Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 20 сентябрь, чоршанба. №73-74 (14356)

"Камолот" ҳудуди

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Куни кеча футбол бўйича "Камолот" кубогининг финал босқичи Тошкент шаҳрининг "Пахтакор", МҲСК ва Агрегат заводи ўйингоҳларида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг ғолиб жамоалари беллашдилар. Турнир якуний натижасига кўра Фарғона вилояти Марғилон шаҳар "Байналмилал" маҳалласи жамоаси ғолиб бўлиб, "Камолот" кубогини қўлга киритди. Иккинчи ўринни Қашқадарё вилояти Косон тумани "Арабхона" маҳалласи, учинчи ўринни эса Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани "Ўзгат" маҳалласи ёшлари эгаллашди.

Ўйин якунида Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда "Биз Ватанимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз!" мавзуида ўтказилган маданий дастур барча иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Акбархон МАГДИЕВ**

## ЁШЛАР ПАХТАЗОРДА

"Камолот" жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими вилоят пахта далаларида меҳнат қилаётган ёшларнинг дам олишларини яхши ташкил этиш мақсадида ташвиқот гуруҳини тузди. Гуруҳ сафида ёш ижодкорлар, санъаткорлар, ишлаб чиқариш илғорлари бор.

Бугун вилоят пахтазорларида ўн мингдан кўпроқ ёшлар, талабалар этак боғлаб пахта термоқда. Айниқса, Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл туманлари майдонларида жонбозлик кўрсатиб оқ олтин тераётган ҳашарчи ёшларнинг меҳнати мақтовга лойиқ.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

## «БИЗ – ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Худди шу мавзудаги фестиваль Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида "Камолот" жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилди. Фестивалга туман ёшлари таклиф этилди.

— Мақсадимиз — шу йил талабаликка қабул қилинганларга оқ йўл тилаш ҳамда жанубий чегараларимизда содир бўлган воқеаларни тўғри тушунтириш, -дейди биз билан суҳбатда "Камолот" жамғармаси Шайхонтоҳур туман бўлими раиси Баҳодир Сулаймонов.

Фестиваль ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланди.

**Ҳусниддин ШАКАРОВ**

## ОЛИМПИАДА: РАҚАМЛАР, РАҚАМЛАР...

**Олимпия ўйинларининг асосчиси француз барон Пьер де Кубертен ўзи асос солган бу спорт тадбири бир кун келиб шу қадар оммавийлашиб кетишию каттадан-катта даромадлар манбаига айланишини хаёл ҳам қилмаган бўлса керак.**

Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги рақамларга аҳамият беришингизни илтимос қиламиз.

Олимпиаданинг тантанали очилишини 3,7 миллиард спорт ишқибози томоша қилди. Ўйинлари "зангори экран" орқали кўрсатиш ҳуқуқи Олимпия ўйинлари тарихида энг кўп пулга — 1,3 миллиард долларга сотилди.

Олимпиаданинг очилиш тантаналари маросимига кириш чиптасининг баҳоси 1400 долларни ташкил этди.

Австралия ҳукумати Олимпиадани ўтказиш учун 3 миллиард доллар сарф қилди. Бироқ бу харажат пировардида ўзини қоплабгина қолмай, яна 2 миллиард доллар фойда келтиражаги кўзда тутилаётир.

Мазкур умумжаҳон спорт кўригида 199 мамлакатдаги 11 минг нафар спортчи қатнашмоқда. Энг кўп медалларга даъвогарлар олтита давлат ҳисобланади, яъни Россия, АҚШ, Германия, Хитой, Австралия ва Франция.

Ўзбекистон — Олимпиадада олтин медални қўлга киритган спортчисига энг кўп миқдорда (100 минг доллар) мукофот ваъда қилган давлатлардан биридир.

Тошкент билан Сидней орасидаги вақт тафовути 6 соатни ташкил этади, яъни Ўзбекистонда соат 12 бўлган пайтда Олимпиада пойтахтида 18 бўлади...

**"Туркистон-пресс"**

Уйғонч сўз

**Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.**

**Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.**

Ислом КАРИМОВ

Юртбошимизнинг юксак минбардан туриб миллат ёшларига мурожаатини ўз-ўзидан туғилган хитоб деб тушунмаслик керак.

Инсон тафаккури узлуксиз ҳаракатда. Йиллар йилларни қувалаб ўтаверади. Фасллар алмашаверади. Инсонлар келиб-кетаверади. Эртага янги авлод майдонга келади. Бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчи, аудиторияда маъруза тинглаётган талаба эртага раҳбар бўлади, депутат бўлади. Миллатга тарбия берувчи, уни яхши йўлга бошловчи муаллим бўлади.

## БУ ВАТАННИ СЕВМАСЛИК — ГУНОҲ

Бугунги ёруғ кунларнинг, тинчликнинг, тарихий ҳодисаларнинг қадри кўп йиллар ўтганида, жамиятга мутлақо янги, тафаккури юксак, "биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт" бўлган авлодлар келгандагина билинади.

Бу кунларни қадрига етмаслик, бу азиз Ватанни севмаслик — гуноҳ! Дунё ичра кичик бўлган ана шу муқаддас Ватан, юксак манзиллар томон интилаётган мустақил Ўзбекистон, боболаримизни бағрига сиғдирган, кун келиб бизга ҳам ўз қаъридан жой берадиган муқаддас замин — бизники! Унинг ютуқлари, эртаси бизники! Тақдири — бизнинг тақдиримиз. Унинг келажаги учун курашиш — улуғ вазифа. Бизни оқ ювиб, оқ тараган, бошимизни силаган, оғир кунларимизга кўмак берган, эртанги кунини бизга ишониб топшираётган, ўқув даргоҳлари эшигини ланг очиб қўйган ЮРТ кутаяпти...

**Шуҳрат ОРИФ, талаба**

## МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ

**Севара ҚОДИРОВА — мустақиллик бахт берган 17 ёшли қиз стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Япония ва Ҳиндистондаги жаҳон чемпионатларининг иштирокчиси, совриндори. Швецияда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этиб, ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди.**





*Янги аср сари одимлар...*

## КЎЧАДАГИ САБОҚЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида"ги қарорлари асосида мамлакатимизда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.



Қашқадарё вилоятида ҳам кўпгина замонавий академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ишга туширилди. Уларда минглаб ёшлар таҳсил олмоқда. Бу бахтиёр ёшларга беихтиёр ҳавасингиз келади.

Афсуски... Қамаши туманида педагогика иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган талабалар янги ўқув йилининг илк кунлариданоқ кўчада сабоқ ола бошладилар. 900 ўринга мўлжалланган ушбу коллеж биносининг қурилиш ишлари аллақачон тугалланиши керак эдию, бироқ, ҳали-ҳамон тугагани йўқ.

Биз ушбу кадрларни жорий йилнинг 4 сентябрь куни суратга олдик. Очиғи, коллеж ҳовлисида таҳсил олаётган талабаларга ачиндик. Шу билан бирга уларга озгина сабр-бардош, қурилишни олиб бораётган мутасадди ташкилот — "Қашқадарё деҳқон қурилиш" очиқ ҳиссадорлик жамияти мутасаддиларига эса куч- ғайрат, фидойилик тиладик.

...Ойнадан ўпкалама



**Абдурасул ПАРДАЕВ (муаллиф олган суратлар)**

Биринчи саҳифага мактуб

## ҚАЕРДА ЁЗ-ЁЗ, ЎША ЕРДА БАРАКА ЙЎҚ

**Асоссиз "ёз-ёз", ўринсиз, "текшир-текшир" авжига чиқса, ўша жойдан хайр-барака кўтарилар экан.**

Буни 5 йилдан буён бошимдан кечириб, янада чуқурроқ тушуниб етдим. Аввало, айтиб қўяй: шу йиллар давомида жамиятимизни бир неча марта текширувдан ўтказишди. Лекин...

"Тошҳовуз" ҳиссадорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги қарорига асосан ташкил этилди. Жамият раиси этиб Жума Хўжамуродов сайланди. Ж.Хўжамуродов 1996 йилнинг 30 июлигача шу жамиятни бошқариб келди. 1996 йилнинг 31 июлида эса собиқ бошлиғимиз ўз аризасига биноан ишдан озод этилди. Ҳиссадорлар эса менга ишонч билдирдилар.

Ҳали айтганимдек, шундан буён бошимиз ғавғодан чиқмай қолди. "Текшир-текшир" ҳали-ҳануз тугагани йўқ. Жума Хўжамуродов нафақада бўлсада, тирноқ остидан кир қидиришга уринмоқда.

Мен яхшилик қиламан деб ўзим турли балоларга гирифтор бўлдим. Собиқ раисдан топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали 355 бош қорамол, шу жумладан 152 бош сигир қабул қилиб олгандим. Шунга қадар ҳам, яъни 1993-96 йилларда моллар бош сони камайиб келган. Қолаверса, қабул қилиш жараёнида Ж.Хўжамуродов Олим Ҳакимов отаридан 2 бош буқа ва 21 бош ҳўкизни кейинчалик тўлаш шарти билан кам топширган эди. Афсуски, ушбу камомадни собиқ раис тўлашга-ку тўламади, лекин яхшиликни ҳам билмади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2000 йил 8 февраль №24-728-рухсатномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги шикоятларни қабул қилиш гуруҳи номига ёзилган маълумотномага асосан жамиятимиз яна бир бор текширувдан ўтказилди.

Текшириш жараёнида жамиятни қабул қилиб олгунимга қадар ҳам фермадан 83 бош мол камомади бўлганлиги аниқланди. Бундан ташқари, 1997 йилда 32 бош, 1998 йилда 36 бош, ўтган йили 52 бош — жами 120 бош бузоқ олинганлигини ҳисобга олсак, раҳбарлигим даврида 203 бош қорамол қонуний чиқим қилинганлиги аниқланди. Ҳар юз бош сигирдан олинган бузоқ сони йиллар давомида бир оз ортган.

Жума Хўжамуродов, Саттор Бобоев ва Абусамад Бобоевлар жамиятнинг ер майдонини ўзининг яқин одамларига сотиб юборди, деган мазмунда хат ёзган экан. Текшириш жараёнида бу ҳам ўз исботини топмади. Буни қарангки, мен гўёки бир нечта трактор ва унинг эҳтиёт қисмларини ўзлаштириб кетган эмишман.

Жума Хўжамуродов томонидан топширилган техникалардан битта Т-28, битта МТЗ-82, битта юк ортиш Т-28 ва битта Т-40 ҳайдов тракторлари далолатнома орқали носоз ҳолда қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда ушбу техникалар тўлиқ таъмирланиб ишлаяпти.

Меҳнат жамоамизга тегишли бўлган 174 минг сўмлик 348 дона акция ноқонуний равишда олтита жисмоний шахсга сотилган. Етти йилдирки, бундан азият чекаяпмиз. Шу йиллар давомида ҳеч ким дивидент ололгани йўқ.

"Тошҳовуз" ҳиссадорлик жамияти ҳисоб рақамидаги 191400 сўм пул 1998 йил 11 июнда 19-тўлов талабномаси орқали жамият ҳисоб рақамига ўтказилган. 1998 йилнинг 29 июнида эса собиқ бош ҳисобчи Чўлибой Исоқовнинг сохта имзоси билан 21 тўлов топшириқномасига асосан "Фаррух" хусусий фирмасига 1998 йил 23 июнда имзоланган 13-шартномага асосан тракторларга эҳтиёт қисм ва сариёғ чиқарадиган ускуна олиш ўтказиб берган. Ушбу ҳисоб-китоб жамиятнинг бухгалтериясида ҳам аниқ ҳисобга кирмаган. Энди ҳанузгача на эҳтиёт қисмдан, на сариёғ чиқарадиган ускунадан дарак бор. Сурхондарё вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бўлим бошлиғи Р.Бегалиевнинг хатига ва Денов туман ҳокимлигининг 2000 йил 7 апрелдаги №399 қарорига асосан "Тошҳовуз" ҳиссадаорлик жамияти "Шаҳобиддин-К" хусусий фирмасига айлантирилди. Чунки, "Акционерлик жамияти ва акционерларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига асосан "Тошҳовуз" ҳиссадорлик жамиятининг Низом жамғармаси энг кам иш ҳақининг 200 баробаридан кам бўлганлиги, яъни жамғармамиз 348 минг сўм бўлганлиги сабабли мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтказилди.

Шундай бўлса-да, ёза-ёз яна авжига чиқди. Ишлашга имкон қолмаяпти. Энди "Шаҳобиддин-К"ни ҳам тинч қўйишмайдиган кўринади. Ахир, Юртбошимиз биз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб турсалар-да, айрим иғвогарлар меҳнат қилишга имкон беришмаса...

**Баҳодир КАРИМОВ, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги "Шаҳобиддин-К" хусусий фирмаси раҳбари**

ОЛАМ ОВОЗИ

### ТЕРРОРЧИЛАРГА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

Иордания Давлат хавфсизлиги суди халқаро террорчи Усама бин-Лодин раҳбарлигидаги «Ал-Қоида» экстремистик ташкилотининг саккиз нафар аъзосига нисбатан ўлим жазосини белгилади. «Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, улардан икки нафаригина — Ҳайдар Абу Ҳошар ва Ҳусни Камол Самар қўлга олинган, холос. Қолган олти нафари эса Афғонистон ва Ливанда яшириниб юрибди. Мобода судга кассация шикояти қилинадиган бўлса, у ҳали қайта кўриб чиқилиши мумкин. Мавжуд тартибга кўра, охирги хулосани мамлакат қироли айтади.

### «МИКОМ» РАҲБАРИНИ «ИНТЕРПОЛ» ҚИДИРАДИ

Россиянинг Кемерова вилояти губернатори Аман Тулеевга нисбатан суиқасдда айбланаётган Металлургия инвестицион компанияси раҳбари Михаил Живилони яқин атрофда "Интерпол" қидира бошлайди, дея ахборот беради «Новости» агентлиги. Мазкур айбланувчини қўлга олиш август ойининг бошидаёқ режалаштирилган эди. Аммо Живило аввалига милициянинг чақирувига рад жавобини берган. Сентябрнинг бошида қўлга олиш ҳақида санкция эълон қилингандан кейин эса уни тутишнинг имкони бўлмаяпти.

Соғлом авлод — буюк давлат таянчи

# АРЗОН ШЎРВА ТАТИМАС

## ёхуд арзон носнинг "хурмача" қиликлари

**Ушбу мақолани ёзишдан мақсадимиз носнинг қандай фожеаларга дучор қилишини англатмоқдир. Яна огоҳ этмоқ даркор-ки, носга бир ўргангандан кейин ундан қутилиш жуда қийин.**

У ҳам худди гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик каби ўз "қурбон"ларини мудҳиш чангалидан осонликча қўйиб юбормайди.

Шу ўринда нос чекувчилар сонининг ортиб бориш сабаблари тўғрисида ҳам сўз юритишни лозим топдик. Бизнингча, сабабларнинг биринчиси ва асосийси — ёшларнинг бу борада катталарга тақлид қилиши ҳамда ота-оналарнинг беparволиклари, иккинчиси — турмуш қийинчиликларини оз бўлса-да унутиш воситаси сифатида носни танлаш, учинчиси — эрмакка ёки тўқликка шўхлик қилиб нос чекишга ўрганиш, тўртинчиси эса нархларнинг ошиши туфайли сигарета "шинаванда"лари ҳам нос чекувчилар сафини тўлдираётганидир. Ушбу масалада яна бир нарсани таъкидлаш даркорки, нос энг арзон "кўнгил ёзиш" воситаси ҳисобланади. Чунки бир дона сигаретанинг пулига бир кеча-кундузга етадиган нос сотиб олиш мумкин.

Сўнгги вақтларда момоларимиз ва ўрта ёшли аёлларимиз қатори ёш-ёш келинлар ичида ҳам нос чекиш одат тусини олаётгани ғоят ташвишланарли ҳолдир. Гўзал жинс вакиллари эса бу одат (тўғрироғи —офат)-га ўрганганликлари сабабини оилавий нотинчликлар, рўзғор етишмовчиликлари, турмуш машаққатларида дея баҳоламоқдалар.

Тиббиёт илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" китобида саратон касаллиги ҳақида маълумот бера туриб, унинг оғизда пайдо бўлишига асосий сабаб сифатида носни кўрсатиб ўтади.

— Баъзилар, мен кўп йиллардан бери нос чекаман, лекин ҳеч нарса қилгани йўқ-ку, дейишлари мумкин, -дейди олий тоифали онколог врач Олтибой ака Азимов. — Аслида саратон шундай касаллик-ки, у бир-икки йилда ўзини намоён қилмайди, яширин даври узоқ вақт давом этади. Мамлакатимизнинг таниқли онкологлари, профессорлари Н.Муродхўжаев, Д.Мақсумов ва А.Фозиловларнинг маълумот беришича, нос чекувчиларда дастлаб оғиз бўшлиғининг шиллиқ пардасида яллиғланиш, сўнгра кўзга кўринмайдиган ёриқлар, оқиш доғчалар, кейинчалик кичик ўсмалар пайдо бўлади. Охирида эса, саратоннинг ўзи вужудга келади.

Оғиз бўшлиғи, тил ости саратони энг тез кечувчи, мутлақо даволаш мумкин бўлмаган, кучли оғриқ ҳамда мислсиз азоб билан ўтадиган ва ўлим билан ниҳоясига етадиган мудҳиш хасталикдир. Саратоннинг бу хили тил ости ва лаблар ўпирилиб, кўп қон кетиши билан ажралиб туради.

Биргина Чироқчи туманини оладиган бўлсак, 2000 йилда оғиз бўшлиғи, лаб ва тил саратони билан касалланган 67 беморнинг (1990 йилда уларнинг сони бундан икки баробар кам эди) 95 фоизи нос чекканликлари учун ушбу касалликка мубтало бўлганлар. Туман миқёсида ҳар йили ўртача 13-14 нафар (1990 йиллардагидан икки ҳисса кўп) киши саратоннинг шу турларига йўлиқиб, даҳшатли азоб-уқубатлар чекиб, ҳаётдан бевақт кўз юмаётганининг ўзиёқ нос келтирувчи фожеани аниқ тасаввур қилиш учун етарлидир.

Айни пайтда жиддий ташвиш туғдирадиган ҳамда "Соғлом авлод йили"да барчамизни огоҳликка ундайдиган ҳолат эркакларнинг 30 фоизи нос чекишию аёллар ўртасида ҳам бу борадаги "натижа"нинг унчалик паст эмаслигидир. Янаям ачинарлиси бу"кўрсатгич" йил сайин ошиб бораётир.

Миллатимиз ва халқимиз келажагига салбий таъсир кўрсатадиган юқоридаги аянчли ҳолатлардан келиб чиқадиган аччиқ хулоса шуки, нос чекиш каби ҳамма томонлама зарарли одатга барҳам бермоқ даркор. Бунинг учун тарғибот ва ташвиқотнинг барча воситаларини ишга солиш, мактабларда, оилаларда, меҳнат жамоаларида нос чекиш билан боғлиқ кўнгилсиз ва фожеали ҳолатларни кенг тушунтириш лозим. Акс ҳолда у эпидемия сингари одамлар орасида янада кенг тарқалиб кетмоғи ҳеч гапмас. Чунки нос чекиш ҳар кимнинг ўз хоҳиши бўлиб, қонун-қоидалар билан чекланмаган. Аслида эса нос чекишни ҳам қатор мамлакатларда кашандалик таъқиқлангани сингари, таъқиқлаб қўймоқ керакка ўхшайди. Элимизнинг эртанги куни, юртимизнинг келгуси тақдири ана шуни тақазо этади. Зеро, муқаддас ислом динида ҳам одамга кайф берадиган барча нарсаларнинг харомлиги ва уларни истеъмол қилиш куфрлиги таъкидлаб ўтилган.

**Бердиёр ЖУМАЕВ**

Ўзбекистон дея аталур

# ЖИЗЗАХ САЙЁҲЛАР ЮРТИГА АЙЛАНАЖАК

**Жиззах республикамизнинг энг тарихи бой воҳаси ҳисобланади. Сангзор воҳасида ер юзидаги биринчи қуёш тақвими борлиги аниқланган.**

Такалисойдаги ибтидоий жамоа тузуми даври мусаввирлари томонидан чизилган тошсувратлар фикримиз далилидир. Буюк Ипак йўли ўтган, аждодларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур, Абдуллахон II номлари билан боғлиқ жойлар борки, улар сайёҳларни ўз бағрига чорлайди.

Бу борада "Жиззахсаёҳат" ҳиссадорлик жамияти жамоаси олиб бораётган ишлар ибратлидир. Мирзачўл, Арнасой ва Дўстлик туманларида ички туризмни ривожлантириш учун тадбирлар ишлаб чиқилди. Бахмал, Фориш, Ғаллаорол, Зомин, Зарбдор туманларида туризм бўлимлари очилмоқда. Бу тарихимизни чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

— Лекин масаланинг бир томони бор, - дейди ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Али Олимов. — Ҳайдаркўлнинг атрофида оромгоҳлар ташкил этиш муаммо бўлиб турибди. Табиат ихлосмандлари учун балиқ овини йўлга қўйишимиз керак. Бу вазифани амалга ошириш учун "Жиззахсаёҳат" ҳиссадорлик жамиятига Фориш ва Арнасой тумани ҳокимликлари ёрдам қилишлари, махсус жой ажратишлари зарур. Ғаллаорол туманида топилган тошбитикларини сайёҳларга кўрсатиш, бу ҳудудда топилган ер ости йўлларини ажнабий сайёҳларга кўрсатиб уларга тарихимиз ҳақида кенг тушунча берардик. Амир Темур дарвозаси атрофини тартибга келтириш, савдо-сотиқни йўлга қўйиш, халқ амалий ва тасвирий санъати асарларини намойиш ва реклама қиладиган бинолар керак. Бу рекламани амалга ошириш учун бизга мутасаддилар ёрдам қўлини чўзишса, ҳар жиҳатдан фойдали иш бўларди.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**



Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди

Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

Қиёфалар, характерлар, қизиқишлар

# САМОВАР КЎРСАМ ҚУВОНАМАН

**Муҳаммаджон Аҳмедовни кўпчилик газетхонларимиз қаламкаш журналист сифатида яхши билишади. Аммо, бир йигитга етмиш ҳунар оз деганларидек, буни қарангки, Муҳаммаджон ака самовар йиғиш шайдоси экан.**

Яқинда "Тезиковка" бозорида гўё йўқотган нарсасини топгандек ҳаяжонда самовар қўлтиқлаб кетаётганда учратдим. Фурсатдан фойдаланиб бу ҳунарнинг фойдали жиҳатларини суриштирдим.

**— Бу қандай самовар?**

— Хўроз. Бундай самовар жудаям кам учрайди. Қаранг, шакли ҳам ўзига хос бўлади. Шар, олма, нок, узум, анжир, тарвуз, шер, илон...Самоварлар ноёб саналади. Самоварнинг қандай металлдан ишланганлиги энг муҳим. Тилла, кумуш юритилган самоварлар энг ноёб бўлиб, уларни китобларда кўрганман. Оқ металлдан қуйилганлари ҳам бор. Аммо ҳозир деярли учрамайди. Шунингдек, кичкина шаклда ишланганлари ҳам ноёб саналади.



Халқимизнинг табиати ажойиб. Агар икки лўли аёл маҳаллада юриб "вой, аяжон, эски самовар, гиламлардан бўлса беринг, фойдаланайлик, савоби сизга" деса бас, кўнгиллари бўлиниб кетади. Дарҳол болохонада, бостирма остида ётган ота-боболаридан мерос самоварларни бериб юборишади. Аммо оддий киши самовар бўлса сотиб оламиз, деб маҳаллама-маҳалла юрса-чи, "нима, тилласини оляпсизларми?" дейди. Хаёлидан не-не синоатлар кечмайди.

**— Ўзбекистонда коллекционерлар кўпми?**

— Сочи шу соҳада оқарган коллекционерлар борлигига шубҳам йўқ, албатта. "Амир Темур халқаро илмий экспедиция"сининг матбуот хизмати ходими сифатида Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларининг қатор туманларида бўлдим. Айниқса, Деновдаги коллекционерлар фаолиятини кўриб ҳайратландим. Кичик бир музей, дейсиз. Аммо улар давлат томонидан рўйхатга олинмаган. Агар Ўзбекистонда коллекционерлар жамиятига асос солинса, айни муддао бўларди. Жамият аввало коллекционерлар бисотида мавжуд бўлган давлат аҳамиятига молик асарларни рўйхатга олиб, уларга ҳуқуқий йўл-йўриқ кўрсатарди. Аъзо бўлган ҳар бир коллекционердан ойлик бадалини тўлатиб, уни ижтимоий ҳимояга оларди. Шунинг учун ҳар икки тараф манфаатларини ҳимоя эта оладиган махсус низомни яратиш лозим.

**— Бу билан халқ амалий санъати буюмларини республика ҳудудидан олиб чиқишга уринаётганларга барҳам бериладиди, демоқчисиз-да?**

— Аввало шуни айтиш керакки, замонавий ва халқ амалий санъати буюмларининг қай бирларини мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ёки чиқмаслик ҳақида махсус кўрсатилган. Унга кўра, яратилганига 50 йилдан ошмаган ва давлат аҳамиятига эга бўлган асарларни фақат қатъий рухсатнома асосида олиб чиқиш мумкин. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги қошида "Бадиий экспертиза" бошқармаси фаолият кўрсатади. Четга олиб чиқиладиган ҳар қандай санъат асари махсус экспертиза текширувидан ўтказилиб, давлат божи тўланган бўлиши шарт. Афсуски, буни кўпчилик билмайди. Хурсанд бўлишимиз керакки, дунёдаги ҳеч бир давлатда халқ ҳунармандчилигига бизнинг юртимиздагидек кенг ҳуқуқий имкониятлар, кафолатлар яратилмаган. Ҳатто асарларини сотиш учун махсус савдо дўконлари ҳам очилган. Ҳамма гап тенгсиз мўъжизавий санъат асарини ярата олишдир. Бундай асарлар ўз давлатимиздан чиқмайди. Халқ ҳунармандчилигига тегишли ҳар қанда ишни ҳам санъат асарига йўйиш нотўғри. Бизнинг хатоларимиздан бири ҳам ана шунда. Шу маънода Бухоро шаҳрида рўй берган бир воқеа ҳалиҳануз юрагимда. Мадраса ҳужраларида жойлашган дўконларнинг бирида меъморий обидадан кўпориб олинган нақшинкор сополли асарни кўриб, ҳайратдан кўзимга ишонмай, унинг сотилиш нархини сўрадим.



— Етти минг сўм, дейди. Таажжуб. Эчкига жон қайғуси, қассобга гўшт қайғуси, деб шунга айтсалар керак-да. Кўзга тўтиё айлагудек бу нақш бўлакларини сотишга юрак қандай йўл бердийкан? Тўғри, дунёнинг қатор давлатларида антиқа асарлар кимошди савдосида сотувга қўйилади. Лекин уларда бунақанги нохушлик бўлмайди.

**— Бизда ҳам кимошди савдосини ташкил этса бўладими?**

— Албатта. Кимошди савдосига дош берадиган асарни халқ ҳунармандлари яратмоқда. Айниқса, Бухоро зардўзлиги, мисгарлик ва ёғоч ўймакорлигида буни яққол кўриш мумкин.



**— Ёшларимизни қандай қилиб ноёб санъат асарларига қизиқтириш мумкин?**

— Қуш уясида кўрганини қилади. Бу масаланинг бир жиҳати бўлса, бошқа томони боланинг қизиқувчанлигига боғлиқ. Мисол учун, менинг ўғилларим ҳали ёш бўлишига қарамай, бу соҳада маълум тушунчага эга. Самоварларни фарқлай олади. Бозорларда бирга юрсак, қадимий нарсаларни ажратади. Коллекционерлик ёшларимизнинг маънавий тарбиясига ҳам катта таъсир кўрсатади. Аждодларимиз яратган санъат асарларининг қимматини англатади. Бундай инсон уни қадрига ҳам етади. Кўз қорачиғидай асрайди. Демак, ёшларимиз нарсалар қимматини, қадрини фарқлай билсалар, ота-боболаридан қолган қадимий асарларини арзимаган баҳода сотиб юборишмайди. Аксинча, авлодларга мерос қолдиради. Худди шундай битта коллекция икки-уч авлод томонидан йиғилса, бу анчагина бойлик бўлади.

**"Туркистон" мухбири Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ суҳбатлашди**

Хотира

# ЯХШИЛИКЛАР ҚОЛДИРГАН ИНСОН

**Атоқли олим, моҳир таржимон Муҳсин Алиев тирик бўлганида бу йил олтмиш баҳорни қаршилаган бўлар эди. Шу муносабат билан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида хотира кечаси ўтказилди.**

Кечада Муҳсин Алиевнинг фарзанди Шавкат Алиев томонидан ўқишда алоҳида намуна кўрсатаётган истеъдодли талабалар учун мукофот пули топширилди.

Муҳсин Алиев ўз меҳнат фаолиятини 1950 йилдан ҳозирги "Туркистон" газетасининг адабий ходими сифатида бошлади. Касбига бўлган меҳр, фидойиларча ишлаш, тинмай изланиш ва ўз ишига ижодий ёндашиш, ҳамкасбларига бўлган ҳурмат-эътибор, камтаринлик натижасида у газета жамоасининг ҳурматига сазавор бўлади. Кейинчалик Муҳсин Алиев қаерда ишламасин, ана шу фидойилик ва камтаринлик унинг асосий фазилати бўлиб қолди.

Муҳсин Алиев Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида катта ўқитувчиликдан профессорлик даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Муҳсин Алиевнинг адабий фаолияти ҳозирги "Туркистон" газетасида турли очерк ва мақолалар ёзиш билан бошланди. Унинг таржимонлик маҳорати ҳам юксак даражада эди. У хорижий тиллардан кўплаб роман, ҳикоя ва мақолаларни ўзбек тилига ўгирди.

Муҳсин Алиев кино хизмати кўрсатиш ишининг барча ўзига хос нозик томонларини ўрганиб чиққан ҳолда вилоятларда иш олиб бораётган кинотеатрлар ҳамда кино тармоқларининг ишини уюштириш, вилоятлардаги кинофикация бўлимлар фаолиятини мунтазам кузатиб бориш ҳамда томошабинларнинг дид ва қизиқишларини ҳисобга олиб, республика экранларига керакли фильмларни чиқаришдек мушкул вазифаларни ташкил қила олди.

М. Алиев ўзбек миллий киносанъатининг қардош халқлар киносанъати билан ижодий ҳамкорлигини ривожлантиришда ҳам ўз улушини қўшди. Литва, Ёқутистон Республикаси, Германияда Ўзбекистон кино санъатининг намойиш этилишида бошчилик қилди. Ҳаётининг кейинги йилларида М.Алиев Тошкент Давлат маданият институтида кино санъати артистлари ҳамда кинофикация ва кинопрокат бўйича дарс дастури ишлаб чиқди ва ушбу ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга бошчилик қилди.

**Азиза НЕЪМАТОВА**

Ватаним маним

# РИВОЯТ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ

**Ойқортоғнинг ҳар бир чўққиси, ҳар бир дараси, ҳар бир қояси афсона ва ривоятларга тўла. Бу тоғларда ибтидоий одамлар ишлаган тасвирлар бор. Искандар Зулқарнайн худди шу ерда икки маротаба камон ўқидан яраланган экан. Соҳибқирон Амир Темур курдирган Боғимозорсойдаги мақбара ҳақидаги ривоят, Ойқортоғдан қор кетмас, дастурхондан нон кетмас деган нақлларни қайта-қайта эшитавергиси келади одамнинг.**

**Бундан тўрт ой олдин Калтатой, Усмат, Оқтош, Юмалоқбош, Оломон каби қишлоқлар фуқаролари Усмон ота қадамжосини тиклаш ҳақидаги ташаббус билан чиққан эдилар. Бу хайрли иш бутун туман аҳолисининг кўнглидаги гап бўлди. Ўз тарихига муҳаббат рамзи сифатида ҳар ким қўлидан келганча ёрдам кўрсатяпти. Новкат ота зиёратгоҳи ҳам ҳашар билан тикланган эди. Бундан ташқари қанчадан қанча боғлар, оромгоҳлар, хиёбонлар, йўллар қурилмади, дейсиз. Асрлар оша сақланиб келаётган осори атиқалар қайта тикланяпти.**

Т. ПАРДАБОЕВ

**"HIFZUHUMAA" Co LTD сизларни қуйидаги ўқув тўгаракларига таклиф қилади:**

* тикиш-бичиш (барча йўналишлари) — 3, 6, 11 ой
* тўқувчилик (спицада ва кручокда) — 2 ой
* инглиз тили (бошланғич ва давом этувчи) — 3 ой

***Болалар учун:***

* рассомлик (бошланғич) — 2 ой
* каштачилик (қўлда) — 2 ой.
* инглиз тили (бошланғич)
* араб тили (бошланғич)

Бизнинг манзилимиз: Навоий кўчаси, 11 (Ўрда).
Тел.: 41-04-16, соат 10 дан 18.00 гача.
Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси биноси 2-қават, 18-хона.

**Ўқишни тугатганларга гувоҳнома бериладиди. Ўқувчиларнинг ёши чегараланмаган.**

# ОЛАМ ОВОЗИ

**РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО.** Бразилиянинг Амазонс штатида транспорт ҳалокати туфайли саккиз киши ҳалок бўлди. Фожеа катта тезликда кетаётган йўловчи ташувчи автобуснинг тормози ишламай қолиши натижасида содир бўлди.

* * *

**ПРЕТОРИЯ.** Бу ерда олмос ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро анжумани бошланди. Африка мамлакатларида кечаётган фуқаролар урушларининг айримлари ана шу соҳадан келаётган даромад эвазига молиявий таъминланаётгани сир эмас. Шуни инобатга олиб, анжуман қатнашчилари олмоснинг ғайриқонуний савдоси ва контрабандасига қарши кураш масалаларини муҳокама қилмоқда.

* * *

**МАНИЛА.** Филиппин ҳукумат қўшинлари бир неча кундан буён Холо оролида туткунда сақланаётган хорижий сайёҳларни қутқариш ва уларни ушлаб турган террорчиларни бутунлай қириб ташлашга қаратилган жанговор операция ўтказмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида куни кеча "Абу Сайёф" айирмачилар гуруҳи чекиниб, жойини ўзгартиришга мажбур бўлди.

Маълумотларга қараганда, ҳарбий ҳаракатлар чоғида туткундаги ўн тўққиз нафар хорижий фуқарога зарар етмаган.

(ЎзА)

